

Қалбида марази борлар | Қуръони Карим дарслари (152-дарс)



19:00 / 12.05.2025 2185

Аллоҳ таоло:

«У сенга китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар ҳам бор – улар китобнинг аслидир – ва қолганлари муташобихлардир. Аммо қалбларида оғиш бор кимсалар фитна мақсадида ва уни таъвийл қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир. Унинг таъвийлини Аллоҳдан ўзга билмас. Илмда мустаҳкам бўлганлар эса: «Унга иймон келтирдик, барчаси Роббимиз ҳузуридандир», дерлар. Ва фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар», деган («Оли Имрон» сураси, 7-оят).

Ушбу ояти каримада Қуръони Каримнинг оятлари иккига – муҳкам ва муташобихга бўлиниши ҳақида сўз кетмоқда. «Муҳкам» сўзи «маҳкам», «очиқ-ойдин», «бошқа ёққа буриб бўлмайдиган» деган маъноларни англатади.

«Муташобих» сўзи эса «ўхшаш», «бирини биридан ажратиш қийин», «бир неча маъноларни англатадиган», деган маъноларни билдиради. Қуръони Карим оятлари ҳам муҳкам ва муташобихга бўлинади. Бунинг ўзи алоҳида бир илм бўлиб, уни Қуръон илмлари фани бўйича мутахассис уламолар махсус ўрганадилар. Биз ўрганаётган ояти карима худди шу мавзуда сўз юритмоқда. Юқорида зикр қилинган сифатларга эга бўлган Аллоҳ бу ояти

кариманинг аввалида:

«У сенга китобни нозил қилган Зотдир», деб Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилмоқда.

Китобдан мурод – Қуръони Карим.

«Унда муҳкам оятлар ҳам бор – улар китобнинг аслидир – ва қолганлари муташобихлардир».

Қуръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон. «Улар Китобнинг аслидир», яъни ўша муҳкам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил қиладилар.

Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобих – бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор.

Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, кишиларнинг иймонини синашга хизмат қиладилар.

«Аммо қалбларида оғиш бор кимсалар фитна мақсадида ва уни таъвийл қилиш мақсадида ундан муташобих бўлганига осилиб оладир».

Демак, муташобих оятлар аслида эътиқоди бузуқ кишиларни фош қилишда иш берар экан. Қалбида марази бор кишилар ақийда ва шариатнинг нозик усулларини очиқ-ойдин баён қилиб берган муҳкам оятларни бир четга суриб қўйиб, фитна қўзиш, таъвил қилиш мақсадида ғойибдан эшитиш орқали собит бўладиган хабарларга, турли маъноларга далолат қиладиган муташобих оятларга эргашар эканлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

«Қуръон фазилатлари» китоби асосида тайёрланди.